

Қоҳирада халқаро Қуръон мусобақасининг яқуний босқичи бошланди



12:40 / 26.02.2019 1974

Ал-Азхар Олий кенгаши ҳомийлигида бошланган халқаро Қуръон мусобақасида 1200 та иштироки қатнашмоқда, деб хабар беради Ал-Азхар ахборот маркази.

Маълум бўлишича, мисрлик иштирокчилар учун яқуний босқич Жумодий охир ва Ражаб ойларида бўлиб ўтса, хорижий иштирокчилар учун 15-22 Шаъбонда ўтказилади. Ҳар иккисининг ғолиблари учун 23-28 Шаъбон кунлари яқуний босқич ташкил этилади. Ғолиблар Ал-Азхар томонидан тақдирланадилар ва махсус гувоҳномалар берилади. Ҳозирда иштирокчилар ҳифз, тиловат ва тажвид бўйича тест саволларига жавоб бермоқдалар.

Islom.uz портали таҳририяти